



SIC ICWC



# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАЛА ШАРОИТИДА ЕРНИ ВА СУВНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИХАСИ

## ЕРНИ СИФАТЛИ КУЗДА ШУДГОРЛАШ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Фарғона

## ЕРНИ КУЗГИ ШУДГОРЛАШ

Қишлоқ хожалиги экинлари – жумладан пахтадан юқори ҳосил етиштиришда кузги шудгорлаш зарур агротехник тадбирлардан биридир.

Далани ўз вақтида шудгорлаш учун пахта ва бошқа экин ҳосили йигиштириб олиниши билан дархол ҳайдашга кириши керак.

Ҳайдовни маккажўхори, сабзаот-полиз, бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Икки ярусли плуглар ПЯ-3-35, ПН-4-45, ПЛН-5-35 плуглари билан шудгорланган майдонлар агротехника талабларига тўла жавоб беради. Чунки бундай плуглар тупроқ ҳайдов қатламини икки қисм (ярус)га ажратиб, улар ўринларини алмаштириб ағдаради, яъни юқори унумдор, озуқа моддаларга бой қисм пастга, пастки унумли паст қисми эса тепага ағдарилади.

Ҳайдов қатламини бундай ағдарилиши солинган ўғитлар, ўсимлик қолдиқлари, бегона ўтлар ва уруғларнинг чуқур кўмилишини ва ўсимлик илдизини юқори қатламдан пастга тушган озуқа моддаларни олиб туришини ҳамда вегетация

даврида уни жадал ривожланишини, оқибатида гектаридан юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Кўп йиллик утказилган тажрибалар натижасида олинган илмий маълумотларга кўра ерник ўзида шудгорлаш ўрнига кўкламда ҳайдаш билан чегараланиш натижасида ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили гектаридан 4-6 центнердан кам бўлган.

Бундан ташқари, кўкламда ҳайдалган майдонларда экин зараркунандаларидан тозаланмайди. Масалан: Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш институтида ўтказилган тажрибалардан олинган маълумотларга қараганда, ер кўкламда ҳайдалганда ўргамчаккананинг атига 23%, кузда шудгор қилиниб, яхоб берилган ерда эса 80 % йўқ бўлган. Кузда ҳайдовдан олдин фосфорли ўғитларни 70-80% калийли ўғитларни 100% миқдорида солиб 35-40 см ҳайдалганда қиш ёмғир ва қор сувлари ҳисобига тупроқда нам кўп тўпланади, тупроқни устки чангсимон қисми ҳайдов қатлами остига тушади, бегона ўт уруғлари, зараркунанда ва касалик кузатувчи вирус ҳамда замбруғлар тупроққа чуқур кўмилиб кетади.

Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга солинган 20-25 тонна гўнг ва органик ўғитлар ҳайдалма қатлам тагига тушиб яхши

чирийди. Кузда чуқур 60-70 см юмшатилиб кейин 30-35 см чуқурликда хайдалган ерларни текислаб поли олиниб у ерларни шўри ювилса тузлар ерни пастки қатламларига тезда ювилиб кетади.

## **КУЗГИ ШУДГОРЛАШ МУДДАТЛАРИ ВА ҲАЙДАШ ЧУҚУРЛИГИ**

Кузги шудгор 25 октябрдан 10 декабргача ўтказилганида самараси юқори бўлади.

Албатта кейинги вақтларда кузги буғдойдан бўшаган ерларни июль, август ойларида хайдаб (агар у ерларда қайта экин эликмаган бўлса) текислаб кузги буғдой экишга тайёрлаб қўйилмоқда. Агар бундай ерларга кузда бошоқли дон экилмаса (бу ер шур бўлмаса) келгуси йил пахта экилгунча ташлаб қўйилади. Шўрланган ерларда эса бошоқли дон экинлари ўриб олинганда кейин бундай ерлар чуқур шудгор қилиниб текисланиб поли олиниб куз-қиш ойларида шўри ювилишига тайёрлаб қўйилади.

Академик М.В. Муҳаммаджановнинг кўп йиллик олиб борган илмий изланишлари натижасида олган маълумотларига кўра кузги шудгор қилишда, тупроқ қатлами

юпка бўлган, Берч, шағал ва бошқа қаттиқ қатламлар юза жойлардан ташқари ҳамма ерлар 28-30см, тупроқ қатлами қалин, серунум ерлар эса 35-40 см гача чуқурликда ҳайдалиши лозим. Ўтлоқ тупроқли ерларни эса 30-35 см чуқурликгача ҳайдаш зарур.

Маълумки, эскидан суғорилиб келинаётган ерлар тупроғи кўп асрлар мобайнида ҳосил бўлиб, маданийлашган. Кўп тупроқларнинг, озиқ моддаларга бой бўлган агроирригацияли қавати 1,5-2,0 метр ва ундан чуқурликка боради. Лекин тупроқнинг бундай чуқурлигидаги мавжуд озиқ моддаларидан ўсимлик етарли даражада фойдала олмайди, чунки ер ҳар йили бир хил чуқурликда (25-30 см) ҳайдалганлиги, бунинг устига доим суғориб турилганлиги сабабли ҳайдалма қатлами туби 40-60 см ва ундан чуқурроқ қаватлари жуда зичланиб қолади. Бу илдизнинг кенг ва чуқур таралишига, намнинг кўп тўпланишига тўсқинлик қилади. Шу сабабли бундай ерларни 60-70 см юмшатиб бу қатламни бузиш керак.

Профессор Михаил Александрович Белоусовнинг кўп йиллик илмий изланишлар натижасида олган маълумотларида такидланишига тупроқни чуқур (60-80 см) юмшатиш ҳайдалма қатлам остидаги қаттиқ қатламни бузади, тупроқни

сув ўтказувчанлигини ошириб ундаги умумий намликни кўпайтиради. Натижада ғўзани томирини чуқур қатламларга кириб у ердаги мавжуд озик моддалардан намликдан фойдаланишига имкон туғилади.

Ёғингарчилик ёки ҳар хил сабабларга кўра кузда шудгорлашга улгурмай қолинган далаларни эрта баҳорда ер етилиш биланок (ер шароитига қараб) шағалли ер бўлса, ерни юзасига шағалини чиқармай 25-30 см, юқори унумдор ерларни 30-35 см қилиб ҳайдаш лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, айрим шўр босган қумли, қумлоқ ерларда агар у ерни шўрини ювиш учун дамба олиб шўр ювиладиган бўлса бундай ерларни баҳорда ҳайдаш лозим.

Баҳорги ҳайдовни албатта плугни орқасига борона тиркаб олиб ўтказиш лозим. Шундай қилинганда ҳайдовда ҳосил бўлган кесаклар майдаланиб кетади.

Ҳозирги вақтда ерни шудгорлаш Магнум ва ВТ-150 ва шунга ўхшаш тракторлар билан ўтказилмоқда. Чунки очик таъкидлаш лозимки, магнум тракторида ҳайдов чуқурлигини мословчи ричаг мавжуд агар трактор озгина чуқур ҳайдаб кийналиб қолса, тракторчининг ҳайдов чуқурлигини кўтариб қўйиши ҳисобига ҳайдов чуқурлиги камайиб айрим жойларда

22-25 смга келиб қолмоқда. Шу сабабли бундай ҳайдалган ерларга сертификат бермай бу ишни брак қилиш лозим.

Агар шудгор сифатсиз ўтказилса, тупроқ етилмасдан ҳайдалса ёки остки лой қатлам юзага чиқиб қолса, тупроқлар кесакли бўлиб қолади. Кейинги ҳар қандай ишлов ҳам уни майин донадор ҳолга келтира олмайди.

Бундай кесаклар ёз чилласи суғоришидан кейингина увоқланишига мойил бўлади. Серкесак майдонларда чигит ола чиқади ва кеч амал қилади, гўзалар дастлабки вақтда ўсишдан қолади. Чигитни кесакка эмас, балки майин тупроққа экиш, агротехника кўрсатмаларига амал қилиш мўл ҳосил олиш гаровидир.

**Тавсиянома «Фермер хўжаликлари даласида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш»  
лойиҳаси Фарғона информация маркази бош консультанти к.х.ф.н. Х. Умаров,  
Сирдарё-Сух ИТХБ- К.Кобулов томонидан тайёрланган.**





